O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2008 йил 5 декабрь, № 236 (4646) Жума

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти ўтказилаётган тадбир кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишдан бошладилар. Уни муҳокама қилиш чоғида қайд этиб ўтилдики, 2009 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни, Давлат бюджетининг даромад базасини янада мустаҳкамлаш, солиқлар йиғими даражасини ошириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, бюджет харажатлари ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутади.

Сенаторлар Давлат бюджетининг юксак даражада ижтимоий йўналтирилганлигига, хусусан, фуқароларнинг даромадлари изчиллик билан ошириб борилишига, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида, шунингдек, ижтимоий муҳофаза соҳасида аҳолига кўрсатилаётган хизматларни яхшилашга қаратилганлигига эътиборни тортдилар. 2009 йилги бюджет сиёсатининг аҳоли даромадлари даражасини ва турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги устувор йўналишларидан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб 2007 йил 12 февралда ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини 2010 йилгача 2,5 баравар ошириш юзасидан қўйилган вазифа бажарилишини таъминлашдан иборат.

Умумтаълим мактабларини ривожлантириш, болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш учун зарур миқдорда маблағ ажратиш назарда тутилмоқда. Хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, ёшлар миллий ва жаҳон мусиқий ҳамда тасвирий санъатининг юксак намуналаридан янада кенгроқ кўламда баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб мусиқа ва санъат мактаблари қурилишига, уларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, шунингдек, уларни мусиқа асбоблари ва махсус инвентарлар билан жиҳозлашга Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда мелиорация тармоқларини реконструкциялаш, таъмирлаш ва тозалашни, унумдорлиги паст ерларда пахта етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутадиган Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш тадбирларини молиялаштириш ҳажмларини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

### Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида муҳокама этилган масалалар хусусида шундай дейиш мумкин

Кеча Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси биринчи куни қизғин ўтди. Чунончи, сенаторлар куннинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини, иккинчи ярмида эса қуйи палата томонидан қабул қилиниб, юқори палата аъзолари эътиборига ҳавола этилган қонунларни муҳокама этишди. Танаффус пайтида мухбирларимиз айрим сенаторлар билан ана шу ҳужжатларнинг аҳамияти хусусида суҳбатлашдилар.

— Конституция — фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқлари кафолати, озодлиги, фаровон ҳаётининг гаровидир, — дейди Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Панжи Мустапов. — Шу маънода, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги арафасида парламент юқори палатаси томонидан «Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг маъқулланишида ҳам ўзига хос уйғунлик бор. Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялашда амнистия акти институтининг ўрни беқиёс. Кечиримлилик ва бағрикенглик эса том маънода инсонпарварлик намунасидир.

Парламентимиз юқори палатаси Конституциямизнинг 80-моддасида белгиланган ваколатлари доирасида шу вақтга қадар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим саналардан ҳисобланган Мустақиллик ёки Конституция кунлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ тўрт маротаба амнистия тўғрисида қарор қабул қилди. Жорий йилнинг 28 август куни "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Сенат қарори қабул қилинганида мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида сенаторлар томонидан алоҳида қарор қабул қилинган эди. Мазкур Низом билан амнистия ҳужжати қоидалари доирасига тушувчи ҳар қандай шахсни фақат суд ажримига биноан жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод этиш амалиёти жорий этилди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини одил судлар орқали ҳимоялашда асосий омил бўлиб хизмат қилади, албатта.

— Турмушимизда "келажакка сармоя" ибораси аллақачон жойлашиб улгурди, — дейди сенатор Светлана Герасимова. — Бу давлатнинг таълим соҳасига улкан молиявий маблағларни ажратиши орқали замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш ва таълим соҳасини такомиллаштиришга бўлган юксак эътибори демакдир. "Мактабга эътибор — келажакка эътибор" дейишлари бежиз эмас. Биз бундай ғамхўрликка 2009 йилги Давлат бюджетининг кўриб чиқилиши жараёнида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Бюджет харажатлари қисмида биринчи синф ўқувчиларини барча ўқув қуроллари, кам таъминланган оилалар фарзандларини эса қишки кийим-кечак билан бепул таъминлаш, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ажратилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, қайта ва капитал таъмирлашга, уларни мусиқа асбоблари ва махсус жиҳозлар билан таъминлашга қўшимча маблағлар ажратилади.

— Муҳим ҳужжатлардан яна бири, — суҳбатимизга қўшилди сенатор Зокиржон Зуннунов, — "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонундир. Кўпчиликка маълумки, Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва шунингдек, мазкур Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Парламент ҳузуридаги Фонд маблағларидан нодавлат нотижорат ташкилотларига субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар кўринишида маблағлар ажратилишининг йўлга қўйилиши фуқаролик жамияти институтлари ривожи учун муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотларига Давлат бюджети маблағларидан кўмак кўрсатишга ҳуқуқий заминни мустаҳкамлайди.

Умуман, қонунларнинг барчаси ҳамюртларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

**М. ЗОҲИДОВА,**
**Қ. ХИДИРОВ.**

---

**Менинг Конституциям**

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўзбек давлатчилигини тиклаш, уни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети тамойилларига риоя этиш, адолатли, инсонпарвар, ҳуқуқий-демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий тотувликни таъминлаш йўли танланди. Табиийки, бу тамойиллар Ўзбекистон Конституциясида қонуний ифодасини топган.***

## АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ УСТУВОР

Маълумки, Конституциямиз янги жамиятнинг ҳуқуқий асосини шакллантирди ва мустаҳкамлади. Шу жиҳатдан у энг халқчил, адолатли ва инсонпарвар ҳуқуқий-демократик жамият барқарорлигининг пойдевори ҳисобланади. Унга асос қилиб олинган тамойиллар эса ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий талабларини акс эттирган. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда адолатли ва ҳуқуқий-демократик давлатга хос тамойиллар конституциявий йўл билан мустаҳкамланган. Бу Конституциянинг 14-моддасида: "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади", деган меъёр билан белгилаб қўйилган.




Айтиш жоизки, мазкур меъёр Ўзбекистон Республикаси ижтимоий адолат тантана қилган жамият, халқ ҳокимиятчилиги қарор топган давлат эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Чунки ушбу модда инсон ва жамият фаровонлигини, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларини давлат фаолиятининг ажралмас қисми сифатида эътироф этади. Шу ўринда адолат асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланганлигини халқимизга хос миллий хусусият сифатида ҳам эътироф этиш лозим. Чунки адолат ғоясига таяниш, унга интилиш, уни устувор ҳисоблаш халқимизга хос хусусиятлардан биридир.

Асосий Қонунимизда ўрнатилган адолатли ва демократик тамойиллар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларда ифодасини топиб бораётгани кишини қувонтиради. Ушбу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад эса инсон ва жамият фаровонлигига эришиш эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Президентимиз таъкидлаганидек: "Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта — адолатли жамият барпо этиш".

(Давоми 2-бетда).

---

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ

***Анқарада "Ўзбекистонда демократик янгиланишлар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатнинг таниқли ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доираларининг кўзга кўринган вакиллари, етакчи оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва таниқли журналистлар иштирок этишди.***

**Биз ва дунё**

Тадбир қатнашчиларига Ўзбекистонда бош мақсад ва ҳаракатлантирувчи куч инсон, унинг уйғун ривожланиши ва фаровонлиги бўлган ижтимоий-иқтисодий, демократик янгиланишларнинг бориши ҳақида маълумот берилди.

Йиғилганлар мамлакатда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга йўналтирилган қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва бошқа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида иш олиб бораётган ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Демократик янгиланиш ва мамлакатни модернизация қилиш суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштиришнинг муҳим йўналиши эканлиги таъкидланди.

Учрашув чоғида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги, қамоққа олишга санкция беришнинг судларга берилиши, Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот марказининг ташкил этилиши, 2008 йилнинг мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши тўғрисидаги Фармон ва қарорлари бўйича фикр алмашдилар.

Тадбирда ТРТ-ТУРК телеканали мувофиқлаштирувчиси Аднан Суел сўзга чиқиб, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида миллий мустақиллик, диний бағрикенглик, виждон эркинлиги ғоялари билан қисқа муддат ичида Ўзбекистон халқининг янги авлоди шакллангани ва уларнинг келажакка ишонч билан қараётганини таъкидлади. У Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги тадбирлар мамлакатнинг демократик янгиланиш ва жамиятни либераллаштириш йўлида қўйилган муҳим қадами эканлигига гувоҳлик беришини қайд этди.

Учрашувда, шунингдек, мамлакатдаги ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос институти – маҳалланинг роли ва аҳамияти ҳақида фикр юритилди. Бу ҳақда гапирар экан, "ТРТ" телерадиокомпаниясининг ахборот дастурлари раҳбари Иброҳим Гуркат Сари бугунги ўзбек жамиятида маҳалла нафақат фуқаролар яшайдиган муайян бир жой, балки ўзини ўзи бошқаришнинг кам учрайдиган, бу заминда қадимдан мавжуд бўлган ва ўзини оқлаган усули ҳисобланишини қайд этди. "Бугун Ўзбекистонда маҳалла халқ ҳокимиятининг ўзига хос кўриниши бўлиши билан бирга, ёшларга тарбия бериш, уларда ватанпарварлик туйғусини ва ахлоқий фазилатларни ривожлантиришда ҳам демократия мактабининг ҳақиқий ифодаси сифатида биринчи даражага чиқди".

Давра суҳбати доирасида келгусида икки мамлакат ўртасидаги турли соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ТРТ-ТУРК телеканали орқали Ўзбекистонга бағишланган фильмларни эфирга узатиш юзасидан келишиб олинди.

**«Жаҳон» АА.**
Анқара

---

**Бир рақам шарҳи**

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ



**2008** йилнинг 9 ойи мобайнида **491,4** минг нафар 9-синф ўқувчилари (битирувчилар умумий сонининг 81,4 фоизи) касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттирдилар.

**Бу мамлакатимизда узлуксиз таълимни қарор топтиришга қаратилган дастурий ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинаётганлигининг амалий самарасидир.**




Тадбир

# Жамиятимиз пойдевори

***Халқимиз азалдан фарзанд тарбияси, унинг илм-маърифатли бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келади.***

Зеро, ҳар бир ўғил-қиз юрт келажаги, эртанги кун ворисидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бола таълим-тарбияси хусусида алоҳида қайд қилинганки, бу истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодга беқиёс ғамхўрлик кўрсатилиб келинаётганлигининг ёрқин далилидир.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишлаб республика Болалар кутубхонасида бўлиб ўтган тадбирда ҳам шу ҳақда сўз борди. "Конституция — жамиятимиз пойдевори" деб номланган мазкур тадбирда Республика Бош прокуратураси, Маънавият тарғибот маркази ходимлари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар келажак ворислари бўлмиш ўқувчи ёшларга Конституция бу ҳуқуқий ҳужжат эканлигини, уни билиш, чуқур ўрганиш ҳар биримизга наф келтиришини, у билан фахрланишимиз кераклиги хусусида гапирдилар.

Тадбир сўнгида Ҳамза номидаги мусиқа коллежи ўқувчиларининг бадиий чиқиши намойиш этилди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

**ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2008 йил учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун академия аспирантура ва докторантурасининг вакант ўринларига қабул эълон қилади.

АСПИРАНТУРАГА:

08.00.01 — иқтисодий назария;
08.00.05 — менежмент;
12.00.02 — давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи;
08.00.13 — маркетинг;
23.00.02 — сиёсий институтлар ва жараёнлар.

ДОКТОРАНТУРАГА:

23.00.02 — сиёсий институтлар ва жараёнлар;
12.00.02 — давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.

*Ҳужжатлар шу йилнинг 10 декабригача қабул қилинади.*

Манзилимиз: Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.
Мурожаат учун телефон: 232-60-65.

*Муҳтарам газетхон!*
*Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*

kdb UzKDB Bank

UzKDB Bank

ўз мижозлари, ҳамкорлари
ва барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
16 йиллиги билан
чин дилдан табриклайди!

*Сизларга эзгулик, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бахт-саодат, бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар тилайди.*



ЖАҲОН 24 соат ичида

## Университет ҳам зарар кўрди



***Дунёдаги энг бой таълим муассасаси дея эътироф этилган Гарвард университети жаҳонда рўй бераётган молиявий инқироз туфайли 8 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди.***

Бу кўрсаткич университет капиталининг деярли тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, Гарвард университетида бир йиллик ўқиш ўртача 45 минг АҚШ долларини ташкил этади. Лекин молиявий имконияти чекланган талабаларнинг бепул таълим олишини таъминловчи дастурлар ҳам бор.

## Японияда зилзила

***Япониянинг Мияги префектурасида Рихтер шкаласи бўйича 6,1 балли зилзила содир бўлди, дейилади "АР" ахборот агентлиги хабарида.***



Маҳаллий маъмурият вакилининг билдиришича, табиий офат туфайли вайронагарчиликлар кузатилмаган.

Шу ўринда айтиш жоиз, Япония дунёда сейсмик ҳаракатлар тез-тез рўй бериб турадиган мамлакат ҳисобланади.

## Самолёт ҳалокати

**Пуэрто-Рикода унча катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради. "Associated Press" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, фожиа рўй берган вақтда лайнер бортида уч киши бўлган ва уларнинг барчаси ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирча ҳалок бўлган йўловчиларнинг шахси маълум эмас. Тахмин қилинишича, улар АҚШ фуқаролари бўлиши мумкин.**

## Тошқин ташвишлари

***Венецияда юз берган сув тошқинлари бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.***



Гарчи сув сатҳи дастлаб қайд этилган 156 сантиметрдан 102 сантиметргача пасайган бўлса-да, табиий офат оқибатларини бартараф этишнинг имкони бўлмаяпти. Чунки шаҳарнинг деярли 95 фоиз ҳудуди сув билан қопланган. Ҳозирча тошқин келтирган умумий зарар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

2003 йилдан буён Венецияни сув тошқинларидан ҳимоя қилиш бўйича махсус лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. 2012 йилгача амалга оширилиши кўзда тутилган мазкур лойиҳага кўра, шаҳар бинолари бир метргача баландликка кўтарилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# O'ZSANOATQURILISHBANK

**“Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси барча юртдошларимизни 8 декабрь — Конституция қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан табриклайди!**

**Байрам арафасида “Ўзсаноатқурилишбанк” қуйидагиларни маълум қилади:**

2008 йил 25 октябрдан 25 декабргача Тошкент шаҳрининг барча ҳудудларида товар ва хизматлар учун тўловларни **“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” VISA** пластик карточкалари ёрдамида амалга оширинг ва

**қуйидагиларни ютиб олинг:**




**Супер ютуқ — компьютер!!!**



Шунингдек, 5000 сўмгача бўлган чек тақдим қилувчига – ручка ёки блокнот, 5000 сўмдан 10000 сўмгача бўлган чек тақдим қилувчига – кепка, 10000 сўмдан юқори миқдорда бўлган чек тақдим қилувчига – футболка каби

**10.000 дан ортиқ** рағбатлантирувчи совғалар берилади!

Қўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz сайтидан ва (8-371) 120-45-42, 120-36-16, 120-45-13 телефонларидан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

# «ЎЗКИМЁСАНОАТ»

## ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**мамлакатимиз кимёгарлари номидан Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган улуғ байрам —**

# Конституция куни

**билан чин дилдан қутлайди!**

*Меҳнатсевар, қўли гул халқимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик жабҳасида эришаётган ютуқлари тобора кўпайиб, юртимиз кундан-кун чирой очаверсин!*

*Ҳар бир хонадонга тинчлик ва омонлик, бахт-саодат, дастурхонларига қут-барака, амалга ошираётган хайрли ишларига омад тилайди!*



# «МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

MIKROKREDITBANK

**барча ватандошларимизни умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги билан муборакбод этади!**

**Осмонимиз мусаффо, юртимиз фаровон бўлсин!**

## Қадрли тадбиркорлар!

**«Микрокредитбанк» бундан буён сизни яратувчилик борасидаги барча режаларингизни амалга оширишда қўллаб-қувватлайди!**

Айниқса, оиласи учун доимий даромад манбалари яратишга бел боғлаб, тадбиркорликни бошлаётган ва сервис хизматини йўлга қўйишга киришган ёшларга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳаракат қилаётган тадбиркорларга янада яхшироқ имтиёз ва имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг:



- *бошланғич сармояни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда бериладиган микрокредитлари учун тўланадиган йиллик фоиз тўлови 5 фоиздан 3 фоизга;*
- *кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдоридаги микрокредитларининг йиллик фоизи Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;*
- *энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдорида бериладиган имтиёзли микролизинг хизматлари учун тўланадиган йиллик фоиз 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.*

Тежалган ва жамғарилган сармояларингиз янада катта режаларни амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

**ТАКЛИФ СИЗДАН – САРМОЯ БИЗДАН!**



**«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жисмоний шахсларга ўзининг «Истиқлол», «Иқбол», «Ёшлик», «Антиқа», «Сармоя» «Коммунал-люкс», «Она юрт», «Шифокор», «Омад», «Кумуш тола», «Баҳор неъмати», «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак», «Нурафшон», «Мафтункор», шунингдек, чет эл валютасида қабул қилинадиган «Ишонч», «Кафолат» ва «Ишонч плюс» сингари омонат турларини таклиф этади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан давлат томонидан ҳимояланган. Фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонун билан таъминланади.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 273-28-11, 273-05-87, 273-43-11. Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.**

**«Микрокредитбанк» сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

▼ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига

Асосий Қонун:

# БАНК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШИ КАФОЛАТИ

***Банк тизими — бозор иқтисодиётининг муҳим бўғинларидан бири. Ушбу тизим жамият ҳаётига ҳар томонлама таъсир кўрсатиб, унинг равнақ топишида асосий вазифани бажаради.***

***Мамлакатимизда мавжуд банкларнинг ташкилий шакллари ва бошқа тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари, шунингдек, Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.***

***Банк фаолияти ҳам тадбиркорликнинг бир туридир. Яъни, у аҳолининг омонатларини сақлайди, унга молиявий хизмат кўрсатади, шунинг ҳисобига ўз даромадини кўпайтириб боради. Банкка қўйилган мулк эса дахлсиздир. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида кафолатлаб қўйилган.***

Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши ҳамда мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги қайд этилган. Ушбу тамойилга мувофиқ, тижорат банклари ўзига тегишли мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Табиийки, мазкур ҳуқуқлардан молия муассасалари унумли фойдаланиб келмоқда.

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир. Қонунчилигимизда, шунингдек, тижорат банклари фаолиятини кафолатлайдиган бошқа бир қатор нормалар ҳам мавжуд. Банклар ана шу қоидаларга риоя қилган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Фикримизни қуйидаги далиллар билан исботлашимиз мумкин. Дейлик, "Ғаллабанк" дастлаб ташкил этилган даврда 8,0 млн. сўм миқдорида устав капиталига эга эди. 2008 йилнинг бошига келиб, бу кўрсаткич 14,0 млрд. сўмни ташкил этди. Албатта, ушбу акциядорлик тижорат банкининг хизмат кўрсатиш доираси кенг. Шулар эътиборга олинса, унинг устав капитали 2009 йил бошида 27 млрд. сўмга, йил охирига бориб 50,0 млрд. сўмга етказилиши режалаштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, АТ "Ғаллабанк"и иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиб келмоқда. Натижада мижозлар сафини тобора кенгайтириб, уларга самарали хизмат кўрсатаётир.

Бугунги кунда банкнинг 32 та филиали, 88 та минибанки, 176 та жамғарма, 37 та коммунал тўловларни қабул қилувчи махсус кассаси, 69 та валюта айирбошлаш ва 30 га яқин халқаро пул ўтказмалари шохобчаси ишлаб турибди. Улар орқали турли мулкчилик шаклидаги 28 мингдан ортиқ юридик ва юридик мақомини олмаган хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда жисмоний шахсларга кенг кўламли молиявий кўмак бериб келинмоқда.

Мижозлар орасида 11 мингга яқин фермер ва деҳқон хўжалиги, 8 мингдан ортиқ хусусий тадбиркор, 42 та қўшма корхона ва бошқалар бор.

Банк кредит қўйилмаларининг асосий қисми саноат, қайта ишлаш тизими ва қишлоқ хўжалиги каби иқтисодиётнинг реал тармоқларига йўналтирилган. Айниқса, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, сифатли ва арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратиш, ички бозорни маҳаллий хом ашё базасида ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан бойитиш ҳамда корхоналарнинг иқтисодий самарадорликка эришишини таъминлаш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаяпти.

Қонунчиликда мавжуд имтиёз ва преференцияларнинг оқилона қўлланилиши натижасида АТ «Ғаллабанк»и томонидан инвестицияга йўналтирилган кредит қўйилмалари қарийб 60 млрд. сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг ўзида 27,3 млрд. сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига дон маҳсулотлари корхоналарига ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида 4 та ун тегирмони ускунаси етказиб берилди. 2 та омихта ем ишлаб чиқариш корхонаси замонавий технологиялар асосида модернизация қилинди. Бир қатор корхоналарнинг ўсимлик ёғини рафинация қилишни таъминловчи технологик линиялари учун ҳам инвестиция кредитлари берилди.

Барчага маълумки, давлатимиз раҳбари қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, уларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори алоҳида ўрин тутади. Мазкур қарор талаблари эса банк томонидан изчил бажарилмоқда. Жорий йилда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида меҳнат қилувчи 1683 та кам таъминланган оилага 1345,7 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Хорижий инвесторларни жалб қилиш иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Шу мақсадда Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг «Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида 374,7 минг АҚШ долларилик 10 та янги лойиҳа молиялаштирилди. Мазкур кредитлар ҳисобига эса бугунги кунга қадар 100 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда иқтисодиётнинг асосий таянчларидан бирига айланди. Мазкур тармоқни янада ривожлантириш, жумладан, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк филиаллари томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Пировардида тадбиркорлик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни хорижга экспорт қилиш ҳажми ортди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, "Ғаллабанк" тизимида аҳолига, хусусан, ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Ана шу дастур асосида бугунгача банк филиаллари томонидан 630 дан ортиқ ёш оилага микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Конституциямизнинг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган. Демак, мижозларнинг банкдаги ҳисобварақларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматли қоғозлари фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда хатланиши ёки уларга ундирув қаратилиши мумкин.

Ёки бўлмаса Конституциянинг 36-моддасига кўра, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши қонун билан кафолатланади. Конституциянинг 27-моддасида эса ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

«Банк сири тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ эса, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга, суд ижрочисига, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларига қонун йўли билан тақдим этилиши мумкин.

Рақобатни рағбатлантириш ва монополиялашни тақиқлаш тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасида мустаҳкамланган. Зеро, рақобат бозор иқтисодиётининг асоси ҳисобланади.

"Ғаллабанк" рақобат шароитида сифатли ва қулай банк хизматлари кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу боис банкда хизмат кўрсатиш даражаси тобора яхшиланиб бораётгани туфайли унинг мижозлари ҳам кўпаймоқда. Бу борада илғор банк технологиялари ва мослашувчан тарифларнинг қўлланилиши, бизнеснинг ўзига хос хусусиятларига индивидуал ёндашув ва ундаги тафовутларни ҳисобга олиш муҳим омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги — иқтисодиётнинг етакчи тармоғида ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун молиявий кўмак бериш банкнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Бинобарин, ажратиладиган кредитларнинг асосий қисми шу тармоққа тўғри келмоқда.

Республикамиз Президентининг 2008 йил 20 февралда қабул қилинган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони "Ғаллабанк"ни ўз дастурий таъминотини мунтазам модернизация қилиш, сервис даражасини яхшилашга даъват этмоқда. Илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўз навбатида, рақобатбардошликни ошириш, янги мижозларни жалб қилиш ва уларга етарлича қулайликлар яратиш имконини бераётир.

Молиявий муассаса аҳолига кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу туфайли у мамлакатимиз молия бозорида етакчилар сафига қўшилди. Дарҳақиқат, банкнинг ўз мажбуриятларини бажаришида аҳолининг ишончи ғоят муҳим. Бунинг учун, аввало, банк депозитларининг сифат таркибини яхшилаш лозим. Сўнгра жалб қилинган маблағлар таркибида қисқа ва узоқ муддатли депозитлар салмоғини кўпайтириш талаб этилади. Акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"и эса аҳолининг ўзига бўлган ишончини ошириш учун янада қулай ҳамда икки томонлама манфаатли 33 та янги омонат турини таклиф этмоқда.

Президентимизнинг шу йил 28 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, банклардаги аҳоли омонатлари 100 фоиз ёки миқдоридан қатъи назар, тўлиқ кафолатланиши белгиланди.

Мижозлар билан интерактив алоқа ўрнатиш, уларнинг банк янгиликлари, қўшимча хизмат турлари ҳақида ахборот олишларига шароит яратиш мақсадида интернет тармоғи орқали замонавий ахборот технологияларига асосланган банкнинг «www.gallabank.com» веб-сайти доимий равишда янгилаб борилмоқда.

Жисмоний шахсларга таклиф этилаётган чакана хизматлар таркибидаги халқаро пул ўтказмалари ҳам йил сайин ривожланмоқда. Шуни ҳисобга олиб, республикамизнинг йирик шаҳар ва туманлари марказларида ҳам пул ўтказмалари шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва юрт равнақига хизмат қилмоқда. Жумладан, банк ўз мижозлари ҳаётига "Money Gram", "Blizko", "Contact", "Тезкор почта" каби бир қанча пул ўтказиш тизимлари орқали кириб бормоқда.

Банк хорижий мамлакатлардаги етакчи молиявий ташкилотлар ва маҳаллий банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бераяпти. Ҳозирда бир қатор хорижий йирик банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган. "Commerzbank AG" (Германия), АКБ "Азия-Инвест Банк" (Россия), АКБ "Промсвязбанк" (Россия), "Связбанк" (Россия), АКБ «Руславбанк» (Россия), ТИФ "Миллий банк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асака" банки ОАЖ, "Туронбанк" ва бошқалар шулар жумласига киради.

Банкнинг «SWIFT» халқаро тўловлар тизимига аъзолиги, айниқса, унга респондент-банкларга ҳисоб-китоб ва ҳужжатли операциялар соҳасида халқаро даражада хизмат кўрсатиш имконини бераётган бўлса, хизматларнинг хилма-хиллиги, рақобатбардош тарифлар, ҳисобварақларни юритиш режимига якка ҳолда ёндашув банк вакиллик тармоғининг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жорий йилда АТ «Ғаллабанк»ига "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг компаниясининг рейтинги берилди. Барча рейтинглар бўйича прогноз "барқарор" деб баҳоланди. Таъкидлаш жоизки, халқаро агентликнинг молиявий барқарорлик рейтинги берилиши Ўзбекистон молия бозорининг корпоратив ва чакана сегментида банкнинг барқарор ўринга эга эканлиги, унинг рентабеллиги ҳамда ликвидлилиги етарли даражада эканлигини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз банк тизими, шу жумладан, АТ «Ғаллабанк»и ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва улар негизида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиб, уларга таянган ҳолда иш юритмоқда. Бу эса банкнинг муваффақиятларга эришишини таъминламоқда.

**Банк матбуот хизмати.** [t]



**«Дўстлик» орденли**
**Навоий кон-металлургия комбинати**
**давлат корхонаси жамоаси**

**барча юртдошларимизни мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан самимий қутлайди.**

*Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тантана қилаётган бир даврда барчага мусаффо осмон, саломатлик, бахт, ҳар бир хонадонга тўкин-сочинлик тилаймиз!*



*ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!*

ASAKA BANK

**Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки**

яқинлашиб келаётган байрам —
**Конституция куни**
билан самимий табриклайди.

*Сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, омад ва зафарлар тилаб, миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади.*

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР**

**«ҲИМОЯ»** — *Сақланиш муддати — **1 йил.** Омонат бўйича йиллик **18% ҳисобланади.***

**«МАДАД-2009»** — *Сақланиш муддати — **6 ой.** Омонат бўйича йиллик **18% ҳисобланади.***

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ**

**«ЕВРО-2008» евродa** — *Сақланиш муддати — **6 ой.** Омонат бўйича йиллик **9% ҳисобланади.***

**Шунингдек, «Асака» банки Сизларга 30 та миллий ва 18 та хорижий валютадаги омонат турларини таклиф этади.**

***Сизнинг омонатларингиз:***

*- маблағлар манбалари декларация қилинмайди;*
*- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод;*
*- банк сири деб ҳисобланади;*
*- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
*- миқдори чекланмаган.*

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

***«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!***

**Барча омонатларингиз Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни асосида кафолатланади.**

***Барча хизматлар лицензияланган.***

**Мурожаат учун телефонлар: (8 371) 120-39-63, 120-39-81, 120-39-57.**

# «ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АИБ жамоаси

кўп миллатли мамлакатимиз халқини яқинлашиб келаётган қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг

16 йиллиги билан қизғин қутлайди.

*Ушбу фараҳли кунларда юртдошларимизга мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, хонадонларига файзу барака тилайди. Ватанимиз равнақи йўлидаги орзу-интилиш, саъй-ҳаракатларида улкан зафарлар ёр бўлсин!*

# «ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ-ЭЛЕКТРОШИТ»

Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жамоаси



**Ўзбекистон халқини мамлакатимиз Конституциясининг 16 йиллиги билан самимий муборакбод этади.**

*Барчага тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, озод ва обод Ватанимизнинг шон-шухратини оширишдек фаолиятида улкан зафарлар тилайди!*

# InfinBANK

*barcha yurtdoshlarimizni Asosiy Qonunimiz — Konstitutsiya kuni bilan tabriklaydi.*



## Азиз ватандошлар!

*Пойтахтимизда фаолият юритаётган*

**«ИФФАТЛИ КЕЛИН» ЎҚУВ МАРКАЗИ**

*Сизларни Ўзбекистон Республикаси*

**Конституциясининг 16 йиллиги**

*билан самимий муборакбод этади!*




*Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик тилайди.*

*Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!*

Марказий Осиёда кабель-сим маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи

# "O'ZKABEL"

жамоаси халқимизни яқинлашиб келаётган муқаддас айём — Қурбон ҳайити билан чин қалбдан муборакбод этади! Барчага мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт тилайди.



Манзил: «O'ZKABEL» ОАЖ ҚК, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 2-уй.
Тел./факс: (+99871) 262-02-86, 262-13-33, 262-39-58.
E-mail: sbit@uzkabel.uz www.uzkabel.uz

